

ЎЗБЕКИСТОННИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИДА ҚАЛАМПИР ЯЛПИЗ ЎСИМЛИГИНИ ЎСТИРИШ ВА ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

А. Эргашев, М.Т. Юлчиева, Ў.А. Аҳмедов,

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон
Республикаси

Ишнинг мақсади: қалампир ялпиз ўсимлигини ўстиришни йўлга қўйиш ва унга ўғит қўллаш .

Усуллар: тадқиқотлар Тошкент шароитида суғориладиган типик бўз тупроқларда ўтказилди. Ўсимликка қўлланиладиган агротехник тадбирлар, тупроқ ва ўсимлик таркибидаги озиқа элементлар Тупроқшунослик ва агрохимё институти (1981 й) ва Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот (1979 й) институти услубий қўлланмалари бўйича аниқланди.

Натижалар: қалампир ялпиз илдизпоя қаламчалардан кўпайтирилади. Экишдан олдин 8—10 см узунликда қаламчалар тайёрланади. Эрта баҳорда қаламчалар (март- апрель ойларида) 10 см чуқурликда тайёрланган, яхши намланган жўякларга бири-биридан 20—25 см масофада махсус сеялкаларда ёки қўлда экилади. Қатор оралари 60 ва 45 см дан қилиб, ҳар бир уяга 2 тадан ўсимлик жойлаштирилади ва бир гектар ерга ўртача 5—6 центнер илдизпоя қаламчалари зарур бўлади. Қаламчалар экилгандан сўнг суғориш эгатлари олинади ва тупроқ тўйингунча суғорилади. Кўчатлар экилгандан сўнг 4—5 кун ўтгач кўкармай қолган майдонларга қайта экиш лозим бўлади.

Қалампир ялпиз органик ва минерал ўғитларга жўд талбчўн ўсимлик ҳисобланади. Ўсимлик экилгандан 17—20 кун ўтгач гектар ҳисобига 40 кг дан азот, 20 кг дан калий ўғитлари билан озиқлантирилади.

Иккинчи озиқлантириш шоналаш фазасида 40 кг дан азот ва 30 кг дан фосфор ўғитларини бериш билан амалга оширилади.

Қалампир ялпиз гуллаш фазасида минерал ўғитларни жуда кўп талаб қилишини ҳисобга олиб, азотли ва калийли ўғитлардан гектарига 30 кг дан киргизиб озиқлантиришни тўхтатади. Ялпиз ўсимлигини озиқлантириш суғоришдан олдин амалга оширилади. Ялпиз экилган ерларга вегетация давомида гектарига 100—110 кг дан азот, фосфор ва 50 кг калий ўғити берилади.

Ўсимлик экилган биринчи йили 12—13 марта суғорилади, 5—6 марта ер юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади, яъни ўтоқ қилинади. Қатор оралари фақат баҳорда юмшатилади. Учинчи йили экинзор юмшатилмади. Заруратга қараб қўлда ўтоқ қилинади.

Тўртинчи йили ялпиз экилган дала баҳорда культиваторлар ёрдамида ҳайдаб ва издизпоялари йиғиб олинади ва бошқа майдонга экилади.

Хулосалар: қалампир ялпизни тавсияларга амал қилиб, минерал ўғитлар билан озиқлантириб, ўз вақтида суғориб турилса юқори ва сифатли барг йиғиб олиш мумкин.